Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 99 (7. 488)

1991 йил 27 май, душанба

Нархи 6 тийин.

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларига

МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли ватандошлар!

Азиз оталар ва оналар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Биз, икки жумҳурият раҳбарлари 1990 йил июнидаги фожиали воқеалар бир йиллигида бегуноҳ ҳалок бўлганларни хотирлаб, сизлар билан биргаликда қайғурмоқдамиз, уларнинг хотираси олдида бош эгамиз ва барча жабр-дийдаларга, зўравонликка дуч келганларга самимий ва чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Биз шуни қатъий айтамизки, юз берган воқеада қирғиз халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам айбдор эмас. Биз барча аҳолига, айниқса, икки жумҳурият ёшларига мурожаат қилиб, уларни сабр-бардошли бўлишга, бир дақиқали кайфият ва ҳис-ҳаяжонларга берилмасликка чақирамиз.

Фожиали воқеаларнинг ўз сабаблари бор, уларнинг илдизлари қолоқ иқтисодиётга, аҳоли турмуш даражасининг пастлигига, маънавий қадриятларнинг, ижтимоий ахлоқ ва одобнинг бузилганига бориб тақалади. Бундай вазиятда кўп одамлар, айниқса, ёшлар ночор ва ноилож аҳволга тушиб қолди, эртанги кунга ишончини йўқота бошлади. Қора кучлар қора ишини қилди. Оналар ва рафиқаларнинг аччиқ кўз ёшларини, эркакларнинг қаҳрли юзларини ҳали ҳам кўриб турибмиз, ўша дақшатлар ҳали ҳам болаларнинг кўз ўнгидан кетмаган. Қалблардаги аччиқ аламлар ҳали ўтиб кетгани йўқ, жудоликка ҳали ҳамма ҳам кўниккан эмас. Шунга қарамай халқларимизга хос бўлган сабр-бардош ва донолик кўрсатиб, бардам бўлишимиз керак, алам ва ғазаб билан тинчлик ва осойишталикни тиклаб бўлмайди. Фақат яраши, тотувлик ва ҳамжиҳатликгина хотиржам ишлаш ва яшаш, келажакка ишонч билан қараш имконини беришини ёдда тутиш керак. Бундан бошқа йўл йўқ.

Қирғизистон жумҳуриятида бузилган иморатларни тиклаш, аҳолига етказилган зарарни тўлаш, фожиали воқеаларнинг айбдорларини жавобгарликка тортиш, вазиятни изга солиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Бунда Ўзбекистон меҳнаткашлари катта ёрдам бермоқдалар. Лекин бу борада яна кўп иш қилишга тўғри келади.

Экстремизм ва миллатчилик кўринишларига қарши муросасиз курашиб келганлигимизни ва бундан буён ҳам кураш олиб боришимизни, одамларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўзимизнинг бош вазифамиз деб ҳисоблашимизни биз яна бир бор қатъият билан тасдиқлаймиз.

Ўзбеклар ва қирғизлар қардош халқлардир, уларнинг дини ҳам бир, минг йиллик тарихи ҳам муштарак, тиллари ва анъаналари ҳам ўхшаш. Шу қардош халқларнинг ўзро муносабатларида ҳамма нарса чамбарчас боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиб ташлашга уриниш — қон-қардошларни бир-биридан ажратишга уринишдир.

Ҳозирги пайтда халқларимиз ўртасида тинчлик, дўстлик, ўзаро мадад ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бизни кутаётган оғир синовларга фақат биргаликда куч-ғайрат сарфлаш билангина бардош бера оламиз. Бунинг учун мустаҳкам замин яратилган.

1991 йил март ойида Ўш шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Қирғизистон Жумҳурияти ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки халқ, икки мустақил жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтаради ва катта истиқболлар очиб беради. Шартнома одамларимизнинг муносиб турмушини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириши, кучимизга куч қўшиши лозим. Келинглар, ана шу олижаноб мақсад йўлида шу шартнома руҳида биргаликда яшайлик ва меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Қирғизистон Жумҳуриятининг Президенти А. АҚАЕВ.

ТОШКЕНТ ТРАКТОРСОЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

24 май Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган СССР Бош вазири В. С. Павлов учун жуда тиғиз ва қизғин кун бўлди. У Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан биргаликда эрталаб «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди.

Ўрта Осиёдаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири ташриф учун танланганлиги тасодиф эмас. Бирлашманинг кўп минг кишилик жамоаси ҳозир мураккаб шароитга тушиб қолди. Хўжалик алоқаларининг бузилганлиги, маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар, ҳамма жойда шартномаларнинг бузилганлиги машинасозларга оғир зарба бўлиб тушмоқда. Мамлакат Бош вазири МТЗ-80Х ва Т28—К4М маркали ғилдиракли тракторларни тайёрлаш билан шуғулланаётган механикаийғув цехларининг ишчилари билан шу ҳақда очиқчасига ва манфаатдорлик билан суҳбатлашди. Ишчилар, мастерлар, хизматларнинг раҳбарлари бир вақтлар юксак ривожланган корхона ҳозир боши берк кўчага киргандек вазиятга тушиб қолгани тўғрисида куюниб гапирдилар. Металл, моторлар, резина-техника буюмлари ва бошқа буюмлар йўқ. Ҳолбуки, мамлакатдаги 750 корхона Тошкент машинасозлари билан кооперация асосида ишламоқда. Ўз навбатида бирлашма жамоаси ҳам ўз шериклари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажара олмаяпти.

Юз берган вазият қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ғоят салбий таъсир қилмоқда. Машинасозлар пахтакор жумҳуриятларнинг жамоа ва давлат хўжаликларига, ўзларининг асосий шериклари ҳисобланган ва пахта териш комбайнлари ишлаб чиқараётган «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига техника етказиб беришни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлмоқдалар

Бу йил бирлашма меҳнат жамоаси 750 минг сўм соф фойдадан маҳрум бўлди. Бу — хўжалик алоқалари бузилганлигининг табиий якунидир. Соф фойданинг камайиши ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Ишлаб чиқариш ҳодимлари билан учрашувда улар бирлашма истиқболи билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб қилдилар. Бу аврало қуюв цехига ва асосий ишлаб чиқариш цехларини янгилашга тааллуқлидир. Бу муҳим тадбирларни амалга оширишнинг учун маблағ ҳам, материал ҳам йўқ. Шу сабабли бирлашманинг келажаги ноаниқ бўлиб қолмоқда. Бу ерда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тангликдан чиқишга ҳаракат қилинмоқда: маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита, ўзаро маҳсулот етказиб бериш негизида аҳдлашиб олинмоқда, тракторларнинг истиқболли моделлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан завод конструкторлари қуввати 10, 15 ва 25 от кучига тенг митти тракторлар яратдилар. Бундай тракторлар фермер хўжаликларида кенг қўлланилади, деб ҳисоблашмоқда. Истиқболли техника осма иш қуролларининг бутун бир мажмуи билан таъминланган.

Бу йил бирлашма жамоаси Минск моторсозлари билан биргаликда қуввати 100 от кучига тенг бўлган тракторларнинг тажриба туркумини ҳам ишлаб чиқармоқчи. Бундай машинани қишлоқда кўпдан буён кутишмоқда. Шунга қарамай, учрашувда таъкидлаб ўтилганидек, Иттифоқ ҳукуматининг ёрдамисиз, пухта ўйланган аниқ дастурсиз тангликдан чиқиб олиш қийин.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов машинасозларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой билан таъминлаш, кафолатли иш ҳақига доир кўп саволларига жавоб қайтардилар. Одамлар меҳнатчилар ва уларнинг оилалари аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг тағин ҳам шошилинчроқ чоралари зарурлиги ҳақида, бозор муносабатларига ўтиш турмушни қийинлаштирмаслиги лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашувдан сўнг жумҳурият пойтахтидаги энг йирик «Москва» озиқ-овқат магазинини бориб кўрдилар.

Ҳозир бошқа жумҳуриятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари асосан талонга мувофиқ тақсимланмоқда. Тошкентликлар озиқ-овқат билан қанчалик таъминланмоқда, бу муҳим масалада ижтимоий адолат қоидасига риоя қилиняптими? В. С. Павлов шу ҳақда магазин раҳбарлиги, сотувчилар, харидорлар билан суҳбатлашди. СССР Бош вазири билан суҳбатда тошкентликлар талон жорий этилиши, шубҳасиз, сўнгги чора эканлигини айтдилар, лекин ҳозирги вазиятда шундай қилиш зарур. Чунки Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган миқдорда сотиш чоралари уларнинг нархлари оширилишига йўл қўймайди, бундай маҳсулотларни албатта сотиб олишга кафолат бўлади.

В. С. Павлов Тошкентдаги жуда кўп сабзавот магазинларидан бирига кирди. Яқин атрофдаги жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан пештахтага келтирилаётган маҳсулотнинг сифати ва нархи билан қизиқди.

Мамлакатни тангликдан фақат биргаликда олиб чиқишимиз мумкин

СССР Бош вазири В. С. Павловнинг вазирликлар, маҳкамалар, бирлашмалар, концернлар раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлган учрашуви ишчан амалий вазиятда ўтди. Учрашув мамлакатни танг вазиятдан чиқариш учун ҳал этиш керак бўлган кўпгина масалаларга бағишланди.

Иттифоқ Бош вазири 1992 йил режаларини тайёрлаш борасидаги ишни бошқарув идоралари учун биринчи даражали вазифа деб атади. Оғизда бозорга ўтиш ва маҳаллийлаштиришни эълон қилиб, биз жуда кўп вақтни баҳс-мунозаралар билан йўқотдик, корхоналар ва республикаларнинг ресурсларидан ўзаро алоқалар ўрнатиш, чет элдаги шериклар билан шартномалар тузиш учун фойдаланишнинг реал йўлларини таклиф қилмадик. Аслини олганда, хўжалик соҳасидаги ҳамжиҳатлик омили аввалгидек қолди. Натижада кўпгина тармоқлар танг аҳволга тушиб қолди. Чунончи, енгил саноат хом ашё ва материаллар йўқлиги туфайли тўхтаб-тўхтаб ишлаяпти, керакли молларни зарур ҳажмда чиқармаяпти.

В. С. Павлов келаси йил режалари тўғрисида гапириб, хўжалик соҳасидаги ҳамжиҳатлик қоидаларини белгилаб олиш учун қатъий бурилиш ясаш кераклигини таъкидлади. Қуйидан юқорига режалаштириш принципи ўзгармай қолаяпти, республикалар, ўлкалар, вилоятлар, корхоналар, таъминот идоралари ўртасидаги шартномалар балансларни ишлаб чиқиш учун қайд қилиниши, лекин асло ўзгартирилмаслиги ва тузатиш киритилмаслиги керак. Шартнома реал ва ўзгармас асосга айланиши лозим.

Бош вазир шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларига катта эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалиги ҳозир ниҳоятда мураккаб аҳволга тушиб қолган устун тармоқдир. Шуни тан олиш керакки, янги харид нархлари учун асос қилиб олинган даража қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган саноат маҳсулотлари қийматининг ҳақиқий даражасига мос келмайди. Қишлоқда зарур иқтисодий рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш учун компенсация масаласини ҳал этиш керак. Иқтисодий омиллар ишлаб чиқаришни оширишга, уни жадаллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги техникасини янада мустаҳкамроқ ва пишиқроқ қилиш қишлоқни оёққа турғазишда ёрдам берадиган тадбирлардандир. Бундай техниканинг қанчасини олишса, деярли шунчасини рўйхатдан ўчиришади, у белгиланган муддатидан деярли икки баравар кам вақт хизмат қилади.

Бош вазир қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг барча турларига давлат буюртмасини камайтириш зарур, деган фикрни билдирди. Майли у, 70 фоиздан ошмасин, қолган қисмини эса ишлаб чиқарувчилар ўз билганларича тасарруф этиб, шартнома нархларида сотаверсинлар.

Тангликдан чиқиш учун қувватларни ишга туширишни тезлаштириш лозим. Инвестицияларни қисқартириш — бу боши берк кўчага кириб қолишдир. Бу ҳолда биз самарадорликни ошириш ва иқтисодиётни қайта йўналтириш учун, техника билан қайта қуролланиш учун ҳеч нарса қила олмай қоламиз.

В. С. Павлов ҳамма жойда ғайрат билан меҳнат қилинган тақдирдагина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат тайёрлашни, ҳозир одамларга керак бўлган барча нарсаларни етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлади, деб таъкидлади. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш — бу аввало интизомни мустаҳкамлашдир.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У дастлабки маълумотларга кўра, табиий офат натижасида республика 350 миллион сўмлик зарар кўрганлигини маълум қилди. Минглаб уйлар, юзлаб километр йўллар шикастланди, кўпгина жойларда алоқа, электр линиялари узилиб кетди, кўприклар қулаб тушди. 350 минг гектар майдондаги ғўзалар нобуд бўлди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларига жиддий зарар етди. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун Иттифоқ ҳукуматининг шошилинч ва жиддий ёрдами керак. Жабрланганларга ҳеч бўлмаса дастлабки вақтда пул билан ёрдам бериш учун маблағ етишмаяпти. Бунинг йўли Ўзбекистонга процентсиз қарз ажратишдир.

Республика Президенти ҳал этишда Иттифоқ ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами муҳим бўлган бошқа долзарб муаммолар тўғрисида ҳам гапирди. Аҳолини ишга жойлаштириш, нарх-наво кескин ошган бир пайтда кўпайиб кетган харажатлар ўрнини қоплаш масалалари Ўзбекистон учун ўткир бўлиб қолмоқда. У саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида тенгсизлик вужудга келганига, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг пасайишига олиб келаётганлигига эътиборни қаратди, сувдан фойдаланишни яхшилаш ҳамда суғориладиган деҳқончилик самарадорлигини ошириш масалалари тўғрисида гапирди.

Учрашув сўнггида Иттифоқ ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлди. Журналистларнинг саволларига В. С. Павлов билан И. А. Каримов жавоб бердилар. Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга йўналтириш билан боғлиқ «аср лойиҳаси»нинг тақдири тўғрисида ҳам савол берилди. Бош вазирнинг фикрича, бу муаммо жиддий ва текширилган илмий ёндашувни тақозо этади.

В. С. Павлов Тошкентда бўлган вақтида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

* * *

25 май куни СССР Бош вазири В. С. Павлов Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Президентлик кенгашининг аъзоси В. М. Камолов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар аэропортда уни кузатиб қолишди.

В. С. Павлов самолёт зинапояси олдида Ўзбекистон ахборот агентлиги ва телевидениеси мухбирлари билан қисқа суҳбатлашди.

— Ўзбекистон меҳнаткашларига бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, муваффақият ва келажакда яхши турмуш бўлишига умид қилишларини тилайман. Мен Ўзбекистонга келиш учун анчадан бери тайёргарлик кўрардим, афсуски, катта мусибат рўй берди ва зудлик билан бу ерга келдим. Барча дўстларимга ёрдам бериш учун ўз вақтида келдим, деб ҳисоблайман, қўлимдан келганини қилдим, — деди Иттифоқ Бош вазири.

В. С. Павлов Ўзбекистонда бўлган вақтида Тошкент вилояти бўйлаб сафар қилди. Лимонзорга, Р. Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Ленин йўли» жамоа хўжалигига борди.

(ЎзТАГ).

Светлана Шуракова мана 25 йилдирки, Тошкент устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келяпти. У ҳамиша ўзига топширилган режаларни ошириб бажаради.

СУРАТДА: Светлана Шуракова.

Рустам Шарипов сурати.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

24 май куни Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилиши муносабати билан нутқ сўзлаб, Компартия ҳозир республикадаги энг оммавий сиёсий ташкилот эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездда қабул қилинган Устави ва Ҳаракат дастури коммунистларнинг жамиятдаги ролини оширишга, ижтимоий-сиёсий турмушни барқарорлаштиришга қаратилган. Партия бошқа жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ниятида.

Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари, партия фахрийлари, республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Шу куни бошқа бир қанча ташкилотлар — Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятига, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига, Киносаёҳатчилар уюшмасига, Дизайнерлар уюшмасига, Аҳмад Яссавий номидаги ногирон болаларга ёрдам республика хайрия жамғармасига уларнинг уставлари рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни Ўзбекистон ССР адлия вазири М. М. Маликов топширди.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Кенгаши раёсатида

ХАЛҚ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раёсатининг мажлисида «Ширкатлар тўғрисида» ва «Кичик корхоналар тўғрисидаги СССР қонунларини Тошкент шаҳрида амалга оширишнинг борыши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Шаҳар Кенгашининг саноат, халқ истеъмоли моллари, деҳқончилик саноати мажмуи, хизмат кўрсатиш соҳаси ва савдо бўйича доимий комиссиянинг раиси Ф. Н. Раҳматуллаев, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар режа комиссиясининг раиси Б. Ғ. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ширкатлар уюшмасининг раиси Т. И. Салимов уддабуронликни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича муайян иш олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирги пайтда шаҳарда 2848 ширкат, 898 кичик корхона, 115 ижарага олинган корхона, 196 фирма, марказ, хўжалик ҳисобидаги корхона, 37 ассоциация, 43 акционерлик жамияти ва жавобгарлиги чегараланган жамиятлар ҳамда 30 жамоат ташкилотлари рўйхатга олинган.

Ширкатлар ва кичик корхоналар фаолияти хилма-хиллашиб бормоқда. Уларнинг бир қанчалари муҳим давлат буюртмаларини бажармоқдалар, маҳсулотларини давлат нархларидан арзон нархларда сотмоқдалар.

Шаҳар статистика бошқармасининг 1991 йил 1 апрелига бўлган маълумотларга кўра, Тошкентда 1696 ширкат, шу жумладан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 112 ширкат, 263 та қурилиш ширкати, ишлаб чиқариш техника маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 50 та ширкат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича 81 та ширкат ва ҳоказолар фаолият кўрсатмоқда.

Ишлаб турган ширкатлар ва кичик корхоналар шу йилнинг биринчи кварталида 113,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Лекин уларнинг сотилишидан савдо тушуми ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 1,8 фоизга камайди.

Шаҳардаги ширкатларда 46,4 минг киши ишлаяпти. Улардан 13,8 минг киши буни асосий иши билан қўшиб олиб бормоқда. 1991 йилнинг биринчи чорагида ширкатларда ишлаётганларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан 34,9 минг кишига кўпайди.

Шу билан бир қаторда раёсат мажлисида ширкатлар ва кичик корхоналар фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида ташвишланиб гапирилди. Ваъзи район Кенгашларининг ижроия комитетлари ширкатлар устави мазмунини чуқур ўрганмасдан ширкатларни рўйхатдан ўтказмоқдалар. Айрим ҳолларда эса ҳужжатларни расмийлаштиришда сансалорликка йўл қўйилади.

Шаҳар солиқ хизмати, район ижроия комитетлари ҳузурида тузилган солиқ инспекцияларининг иши талаб даражасида эмас.

Район ижроия комитетлари, шунингдек банк молиявий ва бошқа текшириш органлари томонидан ширкатлар фаолиятини назорат қилиш бўшаштириб юборилган.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг раёсати шаҳар Совети депутатлари учун ҳар ойнинг иккинчи чоршанбасини ягона депутатлар куни қилиб белгилаш, бу куни депутатларни асосий иш жойларидаги иш ҳақларини сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат вазифаларидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Раёсат мажлисида шаҳар Кенгаши фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Мажлисни Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков олиб борди.

«Билим» жамиятида

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

«БИЛИМ» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг шу йилнинг ўтган тўрт ойдаги иш якунлари ва уни такомиллаштириш тадбирлари, шунингдек бошқа масалалар кунида кеча бўлиб ўтган «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти бошқаруви раёсатининг мажлисида қараб чиқилди.

Бу яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар ташкилотининг XVI анжуманидан кейин янги таркибдаги бошқарув раёсатининг биринчи мажлисларидан эди. Шуни таъкидлаш керакки, жамиятимиз томонидан янгиланиш сари қўйилган қадам раёсат таркибини шакллантириш каби принципларни ҳал этиш масалаларида ҳам ўз инъикосини топмоқда. Бугал унинг таркибига «Билим» жамиятининг Тошкент шаҳридаги район ташкилотлари 11 раиси лавозими юзасидан кирдилар. «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти бошқарувининг раиси этиб яна Тошкент алоқа электротехника илмгоҳининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ж. А. Абдуллаев, унинг биринчи ўринбосари этиб О. Е. Мироқилова, ўринбосарлари этиб Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Ҳ. М. Абдураимов, Билимлар уйининг директори Л. Г. Сильченко, техника билимлари доирилфунунининг кафедра мудири А. А. Қодиров, Тошкент Давлат доирилфунуни кафедрасининг мудири Р. Ҳ. Тиллаевлар сайландилар.

Раёсат мажлисида ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг иш усуллари ва методларини фаоллаштириш, лекция тарғиботининг самарадорлигини ошириш, маърифий тадбирларни оширишнинг йўллари тўғрисида муҳим гаплар бўлди. Ана шу вазифаларнинг бажарилишига қаратилган бир қатор тадбирлар қараб чиқилди, маъқулланди ва тасдиқланди. Жумладан, «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти бошқарув раёсатининг тошкентлик олимларга қарата маърифий ишларга ўз улушларини қўшишга даъват этувчи мурожаати қабул қилинди. Бундан ташқари «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг мактабларнинг 11-синф ўқувчилари учун «Ўз тенгдошлари ва қуйи синф ўқувчилари ўртасида билимларни энг яхши тарғиб қилганлиги учун» ўн битта стипендия таъсис этиш тўғрисида ҳам қарор тасдиқланди. Ўйлаймизки, Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси коллегияси ва «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти бошқарувининг раёсати ҳамкорликда тасдиқлаган бу тадбир мактаб ўқувчиларида билимларни эгаллаш ва уни ёйишга бўлган қизиқишни кучайтиришга ёрдам беради ва лектор кадрлар тайёрлаш системасини яратишга кўмаклашади.

Ироде АКБАРОВА.

ТОШКЕНТ ОЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти Тошкентнинг ёш катта кишилари ва ёшлари ўртасида маърифий ишларни ҳар томонлама кенгайтириш, шаҳар аҳолисининг умумий таълим ва маданий савиясини ошириш, уларнинг замонавий билимларни эгаллашиқ назарда тутиб сизларга билимларнинг турли йўналишлари бўйича ном билан аталувчи мактабларни ташкил этишда фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Бундай мактабларнинг ташкил этилиши сизларга биргина ўз билим ва тажрибаларингизни ёшларнинг кенг доирасига етказиш, ўзларингиз танлаган илмий фаолиятнинг ворислари ҳамда давом эттирувчиларини топишдан ташқари сизларнинг фандаги номингизга янада кўпроқ довруғ ва шуҳрат олиб келишга имкон беради.

Ўйлаймизки, шаҳарнинг ҳар бир районида «Билим» жамиятининг район ташкилотлари ёрдамида сизларнинг шундай мактабларингиз пайдо бўлади ва унда сизлар тузган дастурлар асосида иш олиб борилади.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг Тошкент шаҳар ташкилоти бошқаруви қошидаги илмий-методик секция ана шу дастурни танлаб олади, тингловчиларни танлаб олиш эса бошқарувнинг штатдаги ходимлари зиммасида бўлади.

Дастурни тайёрлаш ва мактабда дарс бериш учун тўланадиган ҳақ тингловчилар миқдорига қараб белгиланади.

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ҳайрли вазифа — кишилар қалбига зиё бағишлаш, ёшларни тарбиялаш ва уларга таълим беришдек бу ишни ҳал этишда олимларнинг фаоллик кўрсатишига ишонади.

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти бошқарувининг раёсати.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

„БИЗ СЕН БИЛАН ЖИГАРИСТОН!“

БУГУН бу сўзлар серқуёш ўлкада яшовчи бутун бир халқнинг шиорига айланган. Майлида. ким нима билан бўлсин қўрғонча аҳли учун баҳоли қудрат ёрдамга шошиляпти. Биров минг сўм, биров юз сўм, эллик сўм, ҳатто ўн сўм ёрдам пули жўнатаётганлар ҳам топилади.

Телеграммалар дафтарида шундай ёзув бор:

«Мен Жигаристонда рўй берган табиий офатни эшитиб, қаттиқ ташвишландим. Айниқса ўзим тенги дугоналарим ва болаларнинг тупроқ тагида қолиб кетганига ачиндим. Кун бўйи йиғлаб юрдим. Қани энди қанот чиқариб, қўрғонча томон учсаму, тирик қолган дугоналаримни қучсам дейман. Нима биландир уларнинг кўнглини кўтариб, дардига малҳам бўлгим келади. Куни-кеча янги Жигаристон қурилаётганини эшитдиму, ҳар қалай ёрдам бўлар деб йиғиб юрган ўн беш сўм пулимни жўнатдим. Биламан, менинг бу улушим бир томчигина, холос. Лекин ана шу томчилардан чашмалар, ирмоқлардан дарёлар ҳосил бўлади-да. Яхши ният билан жўнатилаётган бу сўмлар қурилишни тезлатишга ёрдам беришига ишончим комил.

Бухоролик 7-синф ўқувчиси Севара Мақсудова».

У билан ёнма-ён тожикистонлик бир гуруҳ мактаб ўқувчиларининг дил сўзлари битилган сатрлар ўрин олган. Улар ҳам 2—3 сўмдан тўплаб йиққан 50 сўм жамғармаларини жигаристонлик тенгқурларига жўнатишибди. Қарангки, катталарни ларзага солган бу мусибат бугун мактаб ўқувчисидан тортиб, боғча болаларигача бўлган ёшларни бефарқ қолдирмаяпти. Мана шуниси эътиборли. Мана шуниси кишини ҳаяжонга солади. Ахир, Жигаристон халқи бошига тушган ғамандуҳ бугун минглаб Севараларнинг ташвишига айланган бўлса уларнинг ҳамдардлиги-ю, саховатига тасаннолар айтмай бўладими? Шундай меҳрибонлари бор экан, қўрғонча аҳли тезда янги уйларга кўчиб ўтишига ишонмай илож йўқ.

Биз янги Жигаристон қурилишига келганимизда бунинг яна бир бор шоҳиди бўлдик. Бу ерда олиб борилаётган улкан қурилиш ишларини кўриб ҳайратда қолдик. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, бир ёқадан бош чиқариб, ғайрату шижоат билан меҳнат қилаётган қурувчилар ҳимматига тасаннолар айтдик. Куни кеча бий дала бўлган 90 гектарлик бу майдонга бугун қадам босиб бўлмайди. Ҳаммаёқ гавжум. Устига қурилиш материалларини ортиб олган машиналар ҳаракати бир зум тинмайди. Қаёққа қараманг қурилиш, қаёққа кўз ташламанг бақамжиҳат ишлаётган одамлар. Уларнинг нияти ҳам, мақсади ҳам бир. Табиий офатдан зарар кўрган кишиларни тезроқ бошпана билан таъминлаш.

Албатта, бундай катта ҳажмдаги ишни тезкорлик билан рўёбга чиқариш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун бир қатор ташкилий масалаларни зудлик билан ҳал этишга тўғри келди. Янги қурилиш майдонига зарур техника ва материалларни келтириш масалалари ўн кун ичида ҳал этилди. Бинокорларни электр қуввати ва ичимлик сув билан таъминлаш яна бир муаммо эди. Жумҳурият Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг бўлинмалари ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақият билан уддаладилар. Бир ҳафталик оғир меҳнатдан сўнг энергетиклар икки қуриляш майдонига электр қуввати бердилар. Шу муддат ичида бир ярим километр узунликдаги юқори кучланишли линия, иккита трансформатор кичик станцияси лойиҳаланди ва қуриб битказилди.

Ўзбекистон уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хайрлашишга мажбур бўлганлар.

Иш юритувчи Исмоил Юнусовнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳали у ёққа чопади, ҳали бу ёққа. Гоҳ хуноб, гоҳ мамнун. Ахир катта жамоага бош бўлишнинг ўзи бўладими? Уларнинг барча юмушларидан тортиб, то дам олишларигача бўлган ишир-чикирларга иш юритувчи масъул. Шунинг учун ҳам у гоҳ уришади. гоҳ талашади, ишқилиб кунлик белгиланган ишларини ниҳоясига етказмагунча тинчимайди.



хизматчилари ҳам ишларни бажаришди. Дастлабки кунларданоқ Жигаристонда бузилиши керак бўлган бинолар сони ҳисобкитоб қилинди. Бу эса омон қолган уйларни таъмирлаш юзасидан ишларни жадаллаштиришга имкон берди. «Узкоммуннижпроект» илмгоҳининг ходимлари асосий лойиҳачилар билан бирга хотира боғини яратишга киришдилар.

Янги Жигаристон мавзесини сув билан пухта таъминлаш учун диаметри 300 миллиметрли қувурлардан иборат узунлиги 3 километрдан кўпроқ катта сув қувурини ётқизишга тўғри келади. Унга насос ёрдамида сув чиқариб берилади. Ҳозир лойиҳачилар бу ҳужжатларни ҳам тайёрлаб бўлишди. Тез орада асосий ишлар бошлаб юборилади. Табиий газ йўқлиги сабабли янги Жигаристон аҳолиси суюлтирилган газли ихчам қурилмалардан фойдаланиши кўзда тутилмоқда.

Биз қаддини анча тиклаб қолган бино томон йўл олдик. Бу ерда «Узколхозстрой» қурилиш бригадалари ишлашаётган экан. Қурувчилар билан суҳбатлашдик. Улар Жигаристон жароҳатини тугатиш учун ҳисса қўшишга жазм этган фидойилар. Мана шу ўй, шу ниятда улар бугун иссиқ уйларини тарк этишган, оила ва болалари билан вақтинча хайрлашишга мажбур бўлганлар.

— Бу ерда «Узколхозстрой»нинг саккизта механизациялаш қўшма колоннаси қурувчилари ишлаяпти, — дейди у.

— Улардан энг илғори қайсиниси?

— Ҳозирча 3-кўчма колонна қурувчилари пешқадамлик қиляпти. 30 кишилик жамоа зиммасига иккита тўрт хонали уйни қуриб бериш вазифаси юклатилган. Бу иш шараф билан уддаланяпти.

— Ҳозир бу ерда иш бошлаганимизга роса икки ҳафта бўлди, — дейди илғор жамоа бригадири Маъмуржон Исроилов. — Шу қисқа муддат ичида иккита уйни тиклаб қўйдик. Бугун эрта уларнинг томини ёпамиз. Қурувчилар бу уйларни июнь ойи бошигача пардозловчилар қўлига топширишга аҳд қилишган.

Албатта умумий меҳнат қилиш учун барча зарурий шароитлар яратиб берилиши керак. Булардан энг биринчиси таъминот масаласидир. Қурувчининг қўлини тутиб, ишнинг белига тепадиган ҳам мана шу таъминотдаги узилиш. Хайрият ҳозиргача ҳеч қандай узилишга йўл қўйилмаяпти. Буюртмачилар ўз вазифаларини аниқ муддатларда, сифатли қилиб адо этиб туришибди.

Яна бир муҳим масала — бу қурувчиларга яратилган шароит. Бу хусусда ҳам бунёдкорларнинг пешонаси ярқираган. Ҳамма нарса муҳайё. Озиқ-овқатдан тортиб иссиқ таому, кийимкечаккача мавжуд. Етмагани кети узилмай «ғилдиракли» савдо дўконлари пешма-пеш келтириб туришибди. Ангреннинг 5-ошхона ошпазлари томонидан бир кунда уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Уларга Нусрат Ҳошимов бошчилик қилмоқда.

— Жигаристонда янги уй-жой қурилиши бошланармиш, деган хабарни эшитиб, шошиб қолдим. Кўнгиллилар сафида ўша ерга борсам. бошпанасиз қолганларни уй-жой билан таъминлашдек савобли ишга ўз ҳиссамни қўшсам, деган мақсадда рўйхатга ёзилдим, — дейди ғишт терувчи Абдуқосим Ҳошимов. — Ҳозир кунлик нормамни уч ҳисса ортиғи билан адо этяпман.

Нормани ортиғи билан бажариш бу ерда ишлаётган ҳар бир қурувчининг шиори. Улар орасида бир кунда уч-тўрт кишининг ишини бажараётган азаматлар ҳам кўплаб топилади.

Янги Жигаристон қурилишида бугун бешта катта идоранинг вакиллари ишлашаётганини қайд этиб ўтмоқ жоиз. Улар Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги, «Средазуголь», «Госкомводстрой», «Узагрострой», «Узколхозстрой»лардир. Улар табиий офатдан зарар кўрган жигаристонликлар учун 50 та уй қуриб беришни ўз зиммаларига олишган. Бунёдкорлар сўзларининг устидан чиқишяпти. Ваъдага вафо қилиш учун барча имкониятларни ишга солишяпти.

Қурувчилар билан хайрлашдик. Катта йўлга чиқанимизда бизга ҳамроҳлик қилган Убайдулла Абдиев:

— Биласизми, бутун ҳовли-жойи тупроқ остида қолган оилалардан фақат бир оила аъзолари тирик қолишган. Ҳозир улар Ангрен 1-«тез ёрдам» шаҳар касалхонасида ётишибди. Мен шифохонага ўтиб оила номига келган ёрдам жамғармаларини топшириб қайтмоқчиман. Агар хоҳиш бўлса сизларни ҳам олиб боришим мумкин. Қандайдир мўъжиза рўй бериб уларнинг омон қолганликларини эшитасиз. Қолаверса, бу оила ҳақида ҳали рўзномаларда тузук-қуруқ ёзилмади, — деб қолди.

Таклифга бажонидил кўндик.

Шифохонага кираверишда икки кишига дуч келдик. Сўраб-суриштирсак улар ҳам тошкентлик экан. Бало-қазодан зўр-базўр жон сақлаб қолган шундай оила борлигини эшитиб, уларни кўргани бу ерга келишибди.

— Жабрдийдаларга баҳоли қудрат ёрдам бергани келувдик, — дейишади Усмон ака ва Қобилжонлар.

Биз улар берган ёрдам нималардан иборатлигини сўраб-суриштириб ўтирмадик. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Чунки инсон меҳриоқибати ҳеч қачон йирик сўмлар билан ўлчанган эмас. Ҳамма гап эътиборда. Арзимаган совға-салом бўлса-да, уни аталган қишисига сидқидилдан тақдим этишда.

Салима Роҳибоева қўрқувдан саросимага тушган болаларини бағрига босиб ҳикоя қилади:

— Уйимиз икки қаватли эди. Отасини ишга жўнатиб, болахонада болалар билан чой ичиб ўтирардик. Бирдан еру кўк остин-устун бўлиб кетди. Пастки қаватга бир нарса қаттиқ келиб урилганини сездик холос. Қолганини билмаймиз. Ҳушимизга келсак шифохонада ётибмиз.

Мўъжизанинг рўй беришига мана шундай вақтларда аниқ ишонгинг келади. Қандайдир йўл билан том бўғотига отилиб чиққан оила аъзоларини қутқарувчилар чанг-тўзон остида қолган вайрона иморат бўғотидан аранг тортиб олишди. 13 ёшдан икки ёшгача бўлган етти бола — Ҳалима, Миновар, Фазилат, Умида, Элмурод, Ҳасан ва Зуҳраларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлар туну кун курашишди.

— Тошкентликлар ҳимматига қойилмиз, — дейди йўлда Ўбайдулла Абдиев.— Бизга жуда катта ёрдам кўрсатишмоқда. Кечагина шаҳарнинг Собир Раҳимов районй маҳаллалар кенгаши номидан 3462 сўм ёрдам пули олдик. Бундай ёрдамлар кети узилмай оқиб келиб турибди. Кийимкечак ва дори-дармонларни айтмайсизми?! Уларни ҳатто оилалар ўз жамғармалари ҳисобидан жўнатиб туришибди. Жигаристонликлар айниқса Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғамхўрликларидан бениҳоя миннатдордирлар. Қўрғонча аҳолиси томонидан у киши номига юборилаётган миннатдорчилик телеграммаларининг беҳисоблиги ҳам ана шундан!

Кун ботарда Ангрен айланма йўлига чиқдик. Ҳамроҳим Убайдулла ака билан хайрлаша туриб юрагимнинг аллақаери узилгандек бўлди. Бу жафокаш, дилкаш инсонга ўрганиб қолганлигимданми ёки унинг ҳамқишлоқлари бошига тушган талафотга бўлган ачиниш ҳиссими, ҳарқалай у билан хайрлашувимиз оғир кечди.

— Бошингиз тошдан бўлсин, Убайдулла ака, қишлоғингиз аҳолисининг кўрганкечиргани ҳам шу бўлсин!

Бу дил-дилимиздан отилиб чиққан тилак эди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: янги Жигаристон қурилишидан лавҳалар.

Холмат Мирзакаримов суратлари.





Маҳоратли тарғиботчиларимиз

Бебаҳо дорилфунун

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Раёсати қошидаги жамиятшунослик фанлари бўйича илмий ахборот марказининг раҳбари Баҳриддин Салоҳиддинович МАННОНОВ билан мулоқот

— Баҳриддин ака, мана замонлар ўзгарди, ҳозир ошкоралик ва демократия даври. Бу жараёнлар лекция тарғиботини ҳам четлаб ўтмаяпти. Сизни биз тажрибали ва моҳир лектор сифатида биламиз. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда маърифат ва маданиятимизни тарғибот қилишда нималарни энг муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Саволингизга жавоб беришдан олдин яқин ўтмишга озроқ «экскурсия» қилишга тўғри келади. Шахсан мен яқин пайтларгача бу соҳада жуда кўп маънавий ўпирилишларга, таназзулларга, ҳуда-беҳуда гапларга зўр берганимизни очиқ айтмоқчиман. Ифодали қилиб айтадиган бўлсам, биз тушган қайиқда ҳам кемани дуч келган томонга қараб ҳайдайдиган пала-партиш, зўраки «эшкак»чилар кўпайиб кетган эди. Тасаввур қиласизми, тарғиботчининг маърузаси ёқса-ёқмаса, ҳаёт талабларига жавоб берса-бермаса, одамлар уни қоққан қозиқдек тик туриб ёки ўтириб эшитишга мажбур эдилар. Чунки бундай тингловчилар «залга» зўрлаб олиб келтириларди ва ниҳоят, бечоралар рухсатсиз чиқиб ҳам кетолмас эди-да. Уларга айтадиган гапларимиз ҳам бир хил «қовурма» гаплар бўларди. «Кам-кўстсиз таълим» бир хил оҳанг, бир хил пардада мадҳ этилаверарди. Пировардида тарғиботнинг самарадорлиги ким қанча лекция ўқиди, кимнинг маърузасини неча киши «мириқиб» тинглашидан нарига ўтмасди. Шу тарзда лекторнинг, тарғибот-ташвиқотнинг обрўйига путур етказилди, одамлар маъруза ва суҳбатлардан безиндирилди, тингловчилар наздида кўпчилик лекторларимиз тингласа ҳам, тингламаса ҳам бўлаверадиган сафсатабозга айланиб қолди.

Эндиликда тарғиботчи билан тингловчи ўртасидаги ана шу бўшлиқни тўлдиришимиз керак. Мақсад — кишиларни маънавий жиҳатдан бойитиш, қадрсизланган қадриятларимизни қайта тиклашдан иборатдир. Бунинг учун одамларни қийнаётган муаммолар ва уларнинг ечимини тадбирларимизнинг асосий мавзуи қилиб олишимиз зарур. Ҳозирги вақтда долзарб мавзу нима ва уни қандай қилиб ҳаққоний ифодалаш мумкин, малакали лекторлар ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалалари навбатдан ташқари бўладиган съездимизда атрофлича таҳлилдан ўтказилади ва адолатли баҳосини олади, деган умиддаман.

— Баҳриддин Салоҳиддинович, Сиз халқаро мавзуларда тарғибот олиб борувчи сўз устасисиз, қолаверса, матбуот саҳифаларида бўлсин, ҳоҳ радио ёки ойнаи жаҳонда, ёки бевосита халқ ўртасида ўзингизнинг мазмунли гурунгларингиз, ҳаётий суҳбатларингиз билан тингловчиларнинг ҳақиқий ҳурматига сазовор бўлгансиз. Бу соҳада ўзингизнинг холис фикрларингизни эшитсак?

— Одамнинг ўзига-ўзи баҳо бериши қийин. Одамлар мақташган экан, демак мен ёмон маъруза қилмаганман. Бироқ ўзингиз юқорида таъкидлаганингиздек, ҳозирги давр бошқача, замон ўзгармоқда. Эски тўп эскирди. Ҳозирги давр ишчидан тортиб зиёлигача — барчанинг олдига қаттиқ талаблар қўймоқда. Гапнинг очиғи, ҳаммамиз ҳам ўтмиш қусурларидан мутлақо ҳоли бўлганмиз деб айтолмайман. Аммо кўпчилик ҳамкасб лекторларимиз урра-уррачиликка ҳаддан зиёд берилиб кетишгани рост. Аввалдан тайёрлаб қўйилган матндан четга чиқмаслик, мустақил фикрнинг йўқлиги, бемулоҳазалик ана шунга олиб келган эди. Масалан, гап хориж ҳақида борадиган бўлса, уни ёппасига қоралаш, аллақандай чет эл хавфи тўғрисида оғиз кўпиртириб-гапириш, империалистик агрессия, бузғунчилар ва ишсизлар давлати ва аксинча, сўз социалистик жамият ҳақида борадиган бўлса, бу, тузумни кўкларга чиқариб мақташ, ривожланган, ҳатто юксак даражада тараққий қилган жамият деб унинг шанига асоссиз мадҳиялар ўқиш тарғиботчиларимизнинг қон-қонига сингиб кетмаганмиди?

Қайта қуриш, ошкоралик ва демократиянинг шарофати ҳам шунда, Инқилобий ўзгаришлар ҳамма нарсани жойжойига қўймоқда, ўз номи билан атамоқда. Биз бир пайтлардаги лекция тарғиботида авж олган ана шундай «шаблон» қусурлардан қанчалик тез қутилсак, шунчалик яхши!

— Сизнингча «Билим» жамияти яшашга қодирми?

— Энди ўзингизга шундай мазмунда савол бермоқчиман: хўш, айтингчи, маърифатнинг баҳоси неча пул туради, умуман маърифатни сотиш ва сотиб олиш мумкинми?.. Менга қолса, «Билим» жамиятини ўзига хос бебаҳо дорилфунун, зиё тарқатувчи муқаддас маърифат даргоҳи дегим келади. Бундай зиё маскани нега яшашни тўхтатиши керак экан? Йўқ, аксинча у яшашга тўла қодир ва буни исботлаши керак! Бунинг учун унинг обрўйини тўла тиклаш, кўтариш, зарур моддий-техника билан таъминлаш, унга ишбилармон ва малакали лекторларни жалб этиш лозим. Қаранг, ўтмишдаги шунча захматлар ва хўрликларга қарамасдан «Билим» жамияти инқирозга юз тутмади. Эндиликда у ўз фаолиятини тубдан қайта қуриб олмоқда. Ўртамиёна лекторлардан бутунлай халос бўлмоқда. Ҳозирдаёқ ўзгаришлар шамолини кузатиш мумкин. Масалан, жумҳурият «Билим» жамияти биносига разм солинг. Ундаги кўпдан-кўп хоналар уззу кун одамлар билан гавжум... Бу ерда турли-туман пулли курслар ташкил этилмоқда, кишиларга ҳамма соҳалар бўйича турли билимлар бериляпти, қизиқувчилар эса тобора ортиб бормоқда. Бу ҳам тарғиботнинг бир тури, ахир. Лекин, назаримда, «Билим» жамияти ўзининг асосий «машғулотидан» чалғимаслиги керак. Одамлар иқтисодий, ҳуқуқий, тариқат билимларига ниҳоятда чанқоқдир. Унутилган, камситилган маданий меросимиз, бебаҳо қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама элга тушунтириш керак.

Иккинчидан, ўтмишдаги ҳамма яхши нарсалардан билиб-билмасдан воз кечавермаслик керак, деб ўйлайман. Мисол учун, илгари лекторларнинг жойларга жамоа бўлиб чиқишлари, махсус тарғибот поездлари, «Билим карвонлари» уюштирилиб турилларди. Алоҳида ёки барча соҳалар бўйича ихтисослашган мутахассис-лекторлар гуруҳи кўпчилик ўртасида давра суҳбати ўтказишарди. Ана шундай бир пайтлари иш берган усуллар ҳозирги оғир вазиятда ҳам қўл келади.

● Энди бугунги суҳбатдошимизнинг ўзи ҳақида икки оғиз гап: Баҳриддин ака жуда кўплаб илмий ишларнинг муаллифи. Ўрта Шарқ мамлакатлари ва бошқа халқаро масалалар бўйича таниқли олим ва оташин лектордир. Жумҳуриятимизда у кишининг бошчилигида «Совет Ўзбекистони жамиятшунослик фани» деб аталган илмий-реферат мунтазам чиқарилиб турилибди. У фақат ўзимиздагина эмас, балки Итгифоқда, кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан Японияда ва Мўғулистонда ҳам ажойиб тарғиботчи, моҳир лектор сифатида тилга тушган. Баҳриддин Маннововнинг ҳалол хизматлари «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган. Шу кунларда Баҳриддин ака Тошкент вилояти «Билим» жамияти илмий-методик кенгашининг раиси ва оташин лектор сифатида ўқув юртлари талабалари, маҳалла аҳлари ва узоқ-узоқ қишлоқлардаги меҳнаткашлар билан тез-тез мулоқотда бўлмоқда, улар қалбига мурувват, инсоф ва яхшилик уруғини қадамоқда. Биз зиёкоримизни Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг олий мукофоти — Вавилов медалига сазовор бўлганликлари билан чин юракдан қутлаймиз.

Жумабой МЎМИНОВ,

жумҳурият «Билим» жамияти бошқарувининг масъул ходими, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Янгиликлар

ТАХМИНИЙ БАҲОСИ 10 МИНГ СЎМ

НАБЕРЕЖНИЕ ЧЕЛНИ. Энг кўп юк автомобиллари етказиб берувчи «КамАЗ» тижорат жамияти кичик ҳажмдаги тракторларнинг дастлабки тўркумини чиқарди. Трактор тўрт ғилдирагининг ҳаммаси бир хилда ишлайди, бир хилда бошқаради. Машинанинг олд ойнаси 43 сантиметр, хонасининг баландлиги 2,2 метрдир. 25—30 от кучига эга бўлган дизель двигатели тезликни соатига 3 километрдан 25 километргача ошириш имконини беради. Унинг тахминий баҳоси 10 минг сўм. Техника ҳамма жиҳатдан яхши — фермерлар, колхозчилар машинага шундай баҳо бериш-ди ва уни кўплаб ишлаб чиқаришни тезда йўлга қўйишни илтимос қилишди. Бу жараённи тезлаштириш учун «КамАЗ»дагилар «Кировтрактор заводи» Ленинград бирлашмаси билан қўшма корхона ташкил этишмоқчи. Набережные Челнида двигателлар, кўприклар, Ленинградда эса трансмиссиялар, бошқа қисмлар тайёрланади.

ҒИШТДАН АНЧА ЕНГИЛ

ЖИТОМИР. Тухумсимон бетондан тайёрланган енгил девор материалларини кенг қўлланиш якка тартибда уй-жой қурилиши суръатларини оширишга имкон беради. Житомир селикат буюмлари комбинатида тухумсимон бетон ишлаб чиқарадиган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Тухумсимон бетон ғиштдан анча енгил, иссиқликни яхши сақлайди. Янги корхона лойиҳадаги қувватга чиққач, қурилишларга ҳар йили боғ ҳовлиларга мосланган уйлардан уч мингтадан кўпроғини қуришга етадиган миқдорда материаллар етказиб беради.

ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР БИЛАН

ВЛАДИВОСТОК. «Павловский» кўмир конининг шахтёрлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўз «улушларига» эга бўлишни афзал кўрмоқдалар. Улар ўз ихтиёрларига 60 гектар ер олиб, совхозлардан ижарага олинган техника ёрдамида ерларни сабзавот, озуқабоп экинлар экишга тайёрламоқдалар, шахтёр-фермерлар ўз кучғайратларини амалий шерикчилик алоқалари билан янада мустаҳкамладилар: улар яқин атрофдаги хўжаликларнинг далаларида ерга ишлов берадилар ва етиштирилган ҳосилни йиғиштириб оладилар. Бу хўжаликлардан имтиёзли шартлар билан сабзавот маҳсулотлари оладилар.

БОЗОРГА — ИЛМИЙ ЕНДОШУВ БИЛАН

Қорақалпоғистонда мухтор жумҳурият халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш воситаларини жорий этиш юзасидан илмий-методик ва амалий ишланмаларни пул билан таъминлашнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси таъсис этилди.

Жамғармани бозорга ўтиш даврида Амударё этакларида жойлашган вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобидан тузиш мўлжалланмоқда. Бунда уларнинг қайси идорага бўйсуниши эътиборга олинмайди.

Жамғарма ташкил этишга унинг ташкилотчиларини Қорақалпоғистон бюджет маблағларининг жуда чекланганлиги мажбур қилди. Иқтисодиёт соҳасида кенг миқёсли ўзгартишлар қилиш учун мустаҳкам илмий база керак. Лекин молиячилар бу йилги давлат режа-бюджетидаги кам-кўстнинг ўрнини қандай тўлдиришни билмай бошлари қотмоқда. Демак, илмий ишланмаларни пул билан таъминлаш учун маблағни халқ хўжалигининг бевосита қуйи бўлинмаларидан олиш керак.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Ўрта Осиё илмий-текшириш илмгоҳининг Қорақалпоғистон бўлими бозор муносабатлари воситасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шуғулланадиган асосий муассаса бўлиб қолди. Махсус жамғарма маблағлари белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун унинг тасарруфига берилади. Йил ўрталарига бориб, бу илмий муассасани алоҳида бозор иқтисодиёти илмгоҳига айлантириш мўлжалланган.

(ЎзТАГ).

Воқеалар

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

1991 йил— Ўзбекистонда Алишер Навоий йили

ШОИР ВА ХЎЖА АҲРОР

XV АСРДАГИ Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида икки аллома, давлат арбоби — Хўжа Аҳрор ва Алишер Навоийнинг таъсири улкан бўлган.

Улар замондош эдилар, ўзлари яшаган давлатда ғоятда нуфузли, таъсирчан ва машҳур бўлишган. Улар бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилишгани ҳам сир эмас. Лекин дунёқарашлари, маслаклари ва сиёсатлари бир-бирларидан фарқ қилган.

Амир Темурнинг набираси — машҳур олим Султон Улуғбек Мирзо (1409—1449), Султон Абусаид (1451—1469), Султон Аҳмадбек (1469—1494) ҳукмронлик йилларида Мовароуннаҳрдаги энг бой, мулкдор ва савдогар Хўжа Аҳрор эди. Нақшбандийлар тариқатининг раҳбари, шайхларнинг пир-устози Хўжа Аҳрорнинг юзлаб қишлоқлардаги ерларидан давлат хазинасига йилига 640 минг пуд ғалла ушр тариқасида тўланганки, бу барча ҳосилнинг ўндан бири демакдир.

XV асрнинг 60—80-йилларида Хўжа Аҳрор замонасининг энг йирик мулкдори сифатида шуҳрат қозонди. Амирлар, беклар у билан ҳисоблашишган. Минглаб деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар унга ихлос билан мурид бўлишган.

Хўжа Аҳрор усталик билан ижарачи деҳқонлар кўнглини овлаган. Халққа меҳрибон пир сифатида камбағалларнинг майда-чуйда эҳтиёжларини қондиришни ҳукмдорлардан илтимос қилиш, турли садақа ва хайр-эҳсонлар учун ўзининг бой хазинасидан маблағлар бериш йўли билан у жуда катта ер-мулкларни аста-секин ўз қўлига киритган. Ерларнинг бир қисмини унинг муридлари совға қилган, бошқа қисмини сотиб олган, кўпчилик қисмини эса у қарздорлар ҳисобига орттирган.

Хўжа Аҳрор тўғрисидаги «Манокиби Хўжа Аҳрор» китобида унинг хўжалиги, деҳқонларга муносабати ҳақида қизиқ маълумотлар келтирилган. У ўзига қарашли беҳисоб ер-сувни идора қилиш учун шундай тартиб белгилаган: бутун ерлар маълум мулкларга бўлинган, улардан ҳар қайсисига ишончли кишилар бошқарувчи сифатида қўйилган.

Хўжа Аҳрор замондоши бўлмиш муаллифнинг ҳикоясига кўра ўлканинг барча бурчакларидаги ер-сувлар бошқарувчилари маълум кунда ҳисобот беришга келишган. Шунда келганларнинг ҳаммаси 250—300 минг пуддан кам даромад йиғмагани маълум бўлган.

Мовароуннаҳрнинг ички ва ташқи савдосини ҳам ўз қўлига олган Хўжа Аҳрорнинг савдо карвонлари Хитой, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қатнаган. Ҳукмдорлар кўпинча қарз сўраб унга мурожаат қилишгани ҳам табиий эди, албатта. Бутун давлат иқтисодини ўз қўлида ушлаган Хўжа Аҳрор билан Султонлар ҳисоблашишга, маслаҳат қилишга ва унинг изидан юришга мажбур бўлганлар.

Хуросон ўлкасида эса худди шундай нуфузга фақат бир шахс — ҳазрати Навоий эга бўлган. Амир Алишер Навоийнинг бойлиги ҳам Хўжа Аҳрорникидан сира қолишмаган. Муаррих Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ («Олижаноб фазилатлар») китобида Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро (1469—1506) давлатининг энг катта ер эгаси бўлгани тилга олинган. Хуросон ўлкасининг юзлаб қишлоқлари: Ҳирот, Сабзавор, Астробод вилоятларидаги беҳисоб ер-сувлар унга тегишли бўлиб, бу жойларда амир Алишернинг катта ғалла омборлари жойлашган.

Бобур ҳам ўз эсдаликларида Навоий шу қадар бой эдики, у Султон Ҳусайндан катта совға-саломлар қабул қилишгина эмас, балки ўзи ҳам ҳукмдорга шундай туҳфалар қилишга қодир бўлганини тилга олади.

Бир куни Ҳусайн Бойқаро Балхдан Қандаҳорга қайтганида Навоий унга 25 туман совға қилган. Бир туман 10 минг кумуш динорга тенг бўлиб, бир кумуш динор олтин ҳисоб билан 75 тийин турган. Бундан ташқари у Султонга 1000 ман шойи, 1000 эшакка ортилган ғалла туҳфа этган. Ҳусайн Бойқарога ҳамроҳ мулозимларга эса амир Алишер 100 минг динордан берган. Албатта, бундай улкан совғалар эвазига Султон ҳам ўз навбатида катта-катта қишлоқларни унга инъом қилган.

Ҳазрат Навоий эса бу қишлоқлардаги ер-сувларни инсоф ва адолат ила тасарруф этган. Хўжа Аҳрорга нисбатан қарама-қарши ўлароқ Навоийнинг бошқарувчилари ҳалол ва покиза одамлар бўлган. Амир Алишер деҳқонларга меҳрибончилик ва ғамхўрлик қилган. Янги ерларни ўзлаштириш, ариқлар очиш, сув омборлари қуриш ва бошқа зироат ишларига бош-қош бўлган ва уларга маблағини аямаган. Унинг ўзи ҳам, ижарачи деҳқонлар ҳам бойиган.

Ҳазрат Навоий содда, камтар турмуш кечирган бўлса ҳам давлат орттиришга эътиборини сусайтирмаган. Хуросон ўлкасининг иқтисоди, савдо-сотиғида унинг сармояси ниҳоят салмоқли бўлган. Бу бойликни у асосан ободончилик ишларига сарфлаган. Адабиёт, санъат ва илм аҳлларининг фаровон турмуш кечиришлари учун ҳаражат қилган.

Ҳусайн Бойқаро, амирлар, беклар Алишер Навоий ақлзаковати, халқ ўртасидаги обрў-эътиборидан ташқари унинг давлат иқтисодида катта роль ўйнаган давлати билан ҳам ҳисоблашишган. Ҳусайн Бойқаро ҳарбий ҳаракатлар даврида, серхарж бўлиб пулга муҳтожлик сезганида Навоий ниҳоят назокат ва одоб ила қарз эмас, балки совға сифатида уни пул билан таъминлагани ҳам сир эмас.

Амалдорлар, сарой аъёнлари ва ҳатто султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Алишер Навоий истаса ўз ҳисобидан улкан қўшин тўплаши ва истаган ҳукмдорини тахтдан ағдаришга қодирлигини яхши билишган. Ўзга юрт ҳукмдорлари ҳам буни сезишар эди. Унинг ерларида ишловчи минглаб деҳқонлар Навоийнинг бир ишораси билан унинг байроғи остида тўпланишлари аниқ эди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг қўзғолончи шаҳзодалар, Астробод чегарасига таҳлика солувчи ҳукмдорлар олдига бориши ё илтимоси ҳеч қачон инобатсиз қолмаган.

Ҳазрат Навоий даврида илм-фан, санъат ривожи Хуросонда ниҳоят чўққига кўтарилиб, Мовароуннаҳр маркази Самарқандни ортда қолдирди. Ҳирот энг гўзал маданият масканига айланди.

Хўжа Аҳрор ҳокими мутлақ Мовароуннаҳрдаги аҳвол эса ўзгача бўлди. Мирзо Улуғбек расадхонасининг ночор аҳволи, унинг шогирдларининг қувғин бўлгани Самарқанд маданияти ривожига қандай таъсир қилгани маълум.

Улуғбекнинг истеъдодли шогирди Али Қушчи ўзининг тўққиз ўқувчиси билан Хўжа Аҳрор ҳузурига ёрдам сўраб келгани ва ундан қандай марҳамат кўргани ҳақида «Рашакат—айнил ҳаёт» муаллифи қизиқ хотира қолдирган.

Хўжа Аҳрор Али Қушчини узоқдан кўраркан, атрофидаги одамларига шундай деган:

— Ана, менинг ҳузуримга ит ўзининг тўққизта боласи билан келаётибди...

Хўжа Аҳрор илм аҳлига ана шундай муносабати билан Навоийнинг Ҳиротдаги олиму фузалоларга ҳомийлиги ўзаро таққосланса ғазал мулкининг султони ўзининг инсоний буюклиги билан янада улуғвор намоён бўлади.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди.

БЕШ ЮЗ ЙИЛ давомида Алишер Навоий асарлари турли мақсадларда, турли ҳажмларда кўчирилиб келинди. Адабиёт мухлислари шоирнинг ўзларига ёққан шеърларидан терма девон тузган бўлсалар, бошқалар унинг меросидан кўпроқ баҳраманд бўлиш мақсадида асарларини кўчириб улардан маънавий озиқа олганлар. Баъзи адабиёт ихлосмандлари эса кўчириб олинган ғазалларни тўғри тушуниш учун улардаги қийин сўзлар учун махсус луғатлар тузганлар. Ана шундай луғат тузганлардан бири хивалик Охунд ибн Мир Ҳасан Чаҳоргўйидир.

Охунд ака бир неча йил машақкат чекиб, Алишер Навоийнинг шоҳ асари «Ҳазойин-ул-маонийи»ни кўчириб тугатгач, ундаги ғазалларини ўқиб тушуниш учун девон охирига бир луғат илова қилган. Девоннинг тўққиз бети, яъни 392—401-саҳифаларига чизилган жадваллар ичига жойлаштирилган. Ҳар бир бетдаги жадвал қирқ саккиз катакдан иборат бўлиб, сўз ва унинг маънолари ана шу катаклар ичига ёзилган.

Луғатга «Фарҳанги ҳазрати Мир Алишер муллақаб ба ал Навоий раҳматуллоҳи алайҳа» деб ном қўйилган. Луғат охирига котиб луғатушунос таммат сўзини ёзиб таммаётгади ҳижрий 1264 санани қўйган. Бу ушбу луғат 1848 йили ёзиб тугалланган, деган сўздир.

Луғат чиройли настаълиқ хатида ёзилган. Ҳарф усти-ости нуқталари аниқ кўрсатилган. Ҳар бир ҳарф билан бошланувчи сўзлар махсус сарлавҳалар билан ажратилган: боб-ул-то-«т» ҳарфидаги сўзлар: боб-ул-вов-«в» ҳарфидаги сўзлар: боб-ул-ғайн-«ғ» ҳарфидаги сўзлар.

Луғат араб-форс алифбоси бўйича тузилган бўлиб, унда жами етти сўз изоҳланган. Ҳар бир ҳарфга маълум миқдорда сўзлар келтирилган. Энг кўп сўз алиф ҳарфига келтирилган. Ўзбек тили учун ёт бўлган се, зод, итқи ҳарфларига бармоқ билан санарли сўзлар берилган. Охунд ибн Чаҳоргўйи сўзларни изоҳлашда уларнинг қайси тилга оидлигига қараб эмас, балки халққа қанчалик тушунарли эканлигига эътибор беради. Айрим арабча-форсча сўзлар ўзбекча изоҳланган: аб-ота, аҳмар қизил, тул—узун, ҳисор—қўрғон.

Жадвалга ёзилган луғат

Баъзи арабий-форсий сўзлар эса кенг халқ оммасига таниш, тушунарли шу тил калималарида берилган: авроқ—варақлар, ашкол—шакл, арқом—рақам.

Луғатнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб луғатшунос сўзларнинг асосан бир маъносини беради: айн—кўз, беҳбуд—хўблик, адам—йўқлик, тавсан—от, туроб—хок. Эътибор беринг-а, сўзлар лўнда, ихчам изоҳланган: рахш—от, мифтоҳ—очқич, мовий—кўк, шамс—отфоб, рифъат—баланд. Айрим сўзларнинг маъноси таснифий йўл билан очиб берилган: малҳуз—рақам қилғон, сойир—сайр қилғучи, садоъ—бош оғриғи.

Ушбу мўъжаз луғат икки жиҳати билан аҳамиятли.

Бир томондан у ота-боболаримизнинг илм-маърифатга қанчалик интилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан оддий бир адабиёт ихлосмандининг шунчалик ҳафсала билан луғат тузганлиги, инқилобгача ўзбек халқининг атиги икки фоизи саводли эди, деган гапларнинг нотўғри эканлигини кўрсатувчи ҳужжат сифатида диққатга сазовордир.

Мақола охирида ўқувчилар луғатни аниқроқ тасаввур қилишлари учун унинг бир бет зеракси билан айрим боблардан намуналар келтирамиз.

Боб—ул—жим—«жим» ҳарфидаги сўзлар: жали—равшан, жамил—некрўй, жовид—ҳамиша, жумрат—ҳусни ҳўб, жода—йўл, жайрон—кийик, жавод—саҳо, жилд—пўст, жарас—қўнғироғ: боб—ул—ҳо—«ҳ» ҳарфдаги сўзлар: ҳадайа—ҳадя ҳанжар—ҳамзор, ҳола—ой қўтонлонғон, ҳадаф—нишон, ҳарза ҳавон—беҳуда, боб—ул—ёй—«ёй» ҳарфдаги сўзлар: яди туло—қўли узун, ёлин—ўт, ягмо—торож, юср—осон, яда—беҳуда, яъс—ноумид, юм—кун, юрун—ямоғ, ёғду—ёруқ, яди байзо—қўли нур, ях—муз.

Эргаш УМАРОВ.

ШУ ЙИЛ сентябрь ойида Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 550 йиллик катта тўйи кенг нишонланади. Улуғ бобокалонимиз ҳаёти ва ижодига бағишлаб кўпгина шоир ҳамда ёзувчиларимиз ажойиб асарлар ёзишди ва ёзишмоқда. Ҳа, халқимиз ижод аҳли учун бу мавзу абадийдир.

Алишер Навоий мавзуси таниқли ўзбек шоири Барот Бойқобулов ижодида ҳам бош мавзулардан ҳисобланади. Шунингдек шоир «Навоийнома» трилогиясига дадил қўл уриб «Нотинч Хуросон» ва «Шукуҳли карвон» шеърий романларини мухлисларга туҳфа қилган эди. Адабий жамоатчилик ўз вақтида уларга ижобий баҳо берган эди. Яқинда унинг якунловчи учинчи қисми — «Сокин Хуросон» ҳам нашрдан чиқди. У Москвада, «Советский писатель» нашриётида чоп этилди.

Китоб жавонингизга

«СОКИН ХУРОСОН»

Шоир ушбу асарида Навоий яшаган даврни бадиий бўёқларда моҳирона чизиб бера олди. Шу билан бирга улуғ бобомизнинг ички оламини, ўзбек классик адабиётига асос солишдаги улкан хизматларини, ўзбек адабий-тилини яратишдаги меҳнатлари, ўзбек адабиёти шуҳратини бутун оламга ёйишдаги буюк ижодий қудратини очиб беришга эришди. Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган тарихий воқеаларни тўлалигича ёритди. «Сокин Хуросон» шеърий романи яна шунисининг аҳамиятлики, муаллиф шоирнинг йирик давлат арбоби сифатида халққа қилган беқиёс хизматларини ҳам юксак бир эҳтиром билан ҳикоя қилади. Умуман, уни мутолаа қилган китобхон бой таассурот олади, деган умиддамиз, қолаверса бобомиз тўйига муносиб туҳфа ҳамдир.

«Сокин Хуросон»ни дастлабки иккі шеърий романни таржима қилган таниқли шоир ва таржимон Гарольд Регистон («Звезда Хорасана» номи билан) рус тилига ўгирган. Китоб безакларини рассом Юлия Карпова ишлаган.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Назм дафтаридан

«...МЕН УЧУН БАХТ БЎЛГАН ВИСОЛ»

● Ойгул Маматова—Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши миллатлараро муносабатлар, тил ҳамда маданият комитетининг маданият кичик комитети раиси. 1955 йилда Самарқанд вилоятининг Оқдарё райони, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига қарашли Чавка қишлоғида туғилган. 1972 йили Абдулла Қаҳҳор номидаги 26-ўрта мактабни битиргач А. Навоий номли Самарқанд Давлат дорилфунунида таҳсил олди. Кейин қатор йиллар мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1980-86 йилларда жамоа хўжалиги раисининг маданият ишлари бўйича ўринбосари вазифасида меҳнат қилди.

Ойгул шеър ёзишни мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ машқ қиларди. Салкам йигирма йил мобайнида машқлари турли матбуот саҳифаларида эълон қилинди. 1988 йил сентябрда бўлиб ўтган республика ижодкор ёшларининг V семинарида унинг илк шеърлар тўплами ва «Жаннат қуши» номли романи муҳокамадан яхши ўтди. У Ғафур Ғулом номидаги нашриётда чоп этилиш арафасида. Қуйида депутат шоранинг янги шеърларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ёндим, кўлларимни тополмадингиз,
Йиғладим, кўз ёшимни артолмадингиз
Менга қисмат сиз учун бахт
бўлган висол,
Васлимга етдингиз, қалбимга
етолмадингиз.
Сиз чиққан кўприкнинг бир
ёни дийдор,
Бир томони бўшлиқ наҳот сезмайсиз,
Дарёман, бир соҳилим ҳижрон
кемирган
Энди сиз бу йўлдан омон қайтмайсиз
Сизга қисмат, мен учун бахт
бўлган висол.

Мен қўлингдан тушган гулман ўзгалар осон тортадур.
Пойингда қолган бошгинам ҳолим паришон тортадур.
Тепдинг тупроқ бўлмадим, ёр, товонингга тош бўлдим,
Тош йўлингда, ағёр, токай яхшини ёмон тортадур.
Нетай йиғлаб йўлга чиқсам, ғанимлар йиғлар ҳолима
Кўчада ичган ҳақ ошим кун-ба кун ёвғон тортадур.
Сумалак тубига тушган тош каби қийнарлар жоним
Олтиндек олов тафтини кир қора қозон тортадур.
Менинг жоним чиқмагай то тошнинг таъми чиқмагай
Ўчоқким, хаста ғанимим бағрина меҳмон тортадур.
Охир ёв дардига малҳам бўлмоқдин ўзга чора йўқ
Бағримдан қувсам уларни устима кетмон тортадур.
Ойгуло, жон уззам агар бағрина девон тортадур.
Қабрга сиғмас бу таним тупроқ ёнур фироқимдин
Нетайким, минг чин сўзимни бир оғиз ёлғон тортадур.
Куз ғарибга қолмади, ёр, дона япроқдин умид

Дарвеш аёл

Йўл узунми тун узун
Дарвеш ашуласи узун
Хуршид ДАВРОН.

Ўтиб минг асрлар минглаб асрлар,
Бу дунё дарвешлардан соқит бўлмади.
Гадойнинг ҳовучи донга тўлса ҳам,
Шоҳларнинг ғазнаси қонга тўлмади...
Дунёни уйғотди дарвешлар доди,
Подшолар қиличин йиғди асолар.
Халтасига диёнат ризқини солиб,
«Ҳақ—дўст» дея дунёдан ўтди
боболар.
Ушбу шоҳ гадо тенг асрга келиб,
Халтасига дон тўлди дарвешнинг.
Асолари қолиб кетди бир сарқит
бўлиб,
Қайси бир бурчида фалак гардишнинг.
Қорни тўқ додламай қўйди дарвешлар,
Кўчаларга мавҳум сукунат чўкди.
Шоҳларга таёқ олиб югурган қўллар,
Таъзимга ўрганди тизини букди.
Аммо,
Аёллар зотига тан бердим алҳол,
Йигирма аср сабрнинг чокин ситмади,
Эрин гадой халтасидан
ушоқ ютса ҳам,
Аёллар зотидан дарвеш чиқмади.
Танлари асодек қуриб битса ҳам,
Жон сўраб турса ҳам бўғзида йўқлик,
Чидади, соч ёйиб йўлга чиқмади..
Иффатин кафан қилиб йиқилди
шўрлик.
Ҳайҳот!
Бугунчи?!
Халтасиз гадойлар йўлларда нозир,
Қўшиқсиз девонлар шилар элимни.
Аёллар кўнглида йўқдир қаноат
Тирик етимчалар излар қўлимни.
Тил бошқа, дил бошқа сўзласа юрак,
Суянган бир тоғим кетса бўлиниб,
«Дод» дея кўчага чиққим келади
Аёллар зотидан илк дарвеш бўлиб.
Йўқ!
Мен шоир бўлмайман, ёзмайман
китоб,
Чидаб туролмайман шеърим
чиққунча.
Мен дарвеш бўламан, йўлга тушаман,
Ва ортга қайтмайман куним биттунча,
Ялангоёқ Самарқанддан то
Орол қадар,
Асоларим юрагимга санчиб бораман.
Ҳовучимга йиғаман мен элим
кўз ёшин
Елкамга бор топганимни ортиб
бораман.
Оёғим қумларда куйиб йиғлайман,
Бисотда бор йўғим тўкиб йиғлайман
Ғариб тўлқинларга термулиб чанқоқ
Олти болам йиғлар менга қўшилиб
Денгизимни йўқлаб, йўқлаб йиғласам
Фарёдларимдан
Сув илонлар улади ипдай эшилиб.
Шўр тупроқда юрагимни тузлаб
йиғлайман
Кўр илонларнинг қўйнида музлаб
йиғлайман.
Э... Воҳ!
Дарвеш бўлмоғимга оз қолди меннинг,
Қайтаринг, одамлар, мени қайтаринг.
Аёллар зотидан дарвеш чиқса гар,
Салтанат силкинар, орият ўлар.
Гўдаклар фарёди тутгай дунёни,
Ҳассаси тиккан жой номусдан қулар.
Оҳ, Она халқим,
Токим...
Халтасиз гадойлар йўқолмас экан
Дарвешнинг кунидан туни узундир
«Ҳақ — дўст» қўшиғини
айтмасанг, халқим
Мендек дарвеш қизнингнинг йўли
узундир.
Ойгул МАМАТОВА.

Болалик, ёшлик, гўзаллик. Манави суратга бир қаранг-а, бошларига қарир лента таққан, миллий дўппилар кийиб, камалак ранг атласларда ўтирган бу қизчаларни кўриб кишининг дили қувонади. Эҳтимол, бу қизлар келажакда етук олима, истеъдодли шоира бўлиб етишишар. Ишқилиб шундай бўлсин!

Холмат Мирзакаримов сурат-лавҳаси.

Янгиликлар. Воқеалар

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН

ЭНДИЛИКДА деярли барча йирик саноат корхоналарида хайр-эҳсон жамғармаси мавжуд. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг бундай жамғармасига кўп миқдорда маблағ тўпланган.

Ана шу хайрия пулларидан тадбиркорлик билан ўз ўрнида фойдаланилмоқда. Жамғармининг маълум бир қисми машинасозлар саломатлигини мустаҳкамлаш эҳтиёжлари учун сарфланди. Айни бир вақтда болалар муассасаларига ҳам моддий ёрдам тариқасида маблағ ажратилди.

Заводга қарашли болалар боғчаларига яқинда беш ярим минг сўм пул ўтказилди. Бу маблағ уларга турли жиҳозлар учун сарфланади.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

УЛУҒ бобокалонимиз Амир Темур Шарқ маданияти тарихида алоҳида ўрин тутади. Қадимда яратилган кўплаб тарихий обидалар, бутун дунёни лол қолдирган осмонўпар қўшоналар айнан Темур замонасида бунёд этилган эди.

Ана шу буюк тарихий шахснинг кўп асрлик маданий юксаклиги ва ҳозирги кунларда ҳам ер юзининг кўп мамлакатларида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинаётганлиги ҳамда ҳозирги замонда ҳам ер юзининг кўп мамлакатларида Темур ва темурийлар даврига оид ёдгорликларнинг ўзига хос ва ноёб эканлиги ҳамда Ўзбекистонда Темур ва темурийлар даврига оид ёдгорликларнинг ҳозирги кунгача сақланиб, ҳозирги замонгача ўзининг ҳаётий моҳиятини сақлаб, ҳозирги замонда ҳам ўзининг ҳаётий моҳиятини сақлаб, ҳозирги замонгача

«ДАДАМИЗ ХОҲЛАГАН ИШИНИ ҚИЛА ОЛАДИ»

ШАҲРИМИЗНИНГ Ленин районида жойлашган 506-болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан ҳисобланади. Бу ерда кичкинтойлар учун турли мавзуларда қизиқарли ўйинлар, учрашувлар ва байрам кечалари тез-тез ўтказилиб турилади. Куни кеча боғчада яна бир ажойиб тадбир ўтказилди.

— «Дадамиз хоҳлаган ишини қила олади», деб номланган конференция шаҳар бўйича биринчи маротаба бизнинг боғчамизда бошлаб берилди, — дейди боғча мудираси Гавҳар Қодирова. Чунки, боғча ва оила олдида турадиган асосий вазифа — бу ҳар томонлама етук ва соғлом кишиларни жамиятга тарбиялаб бериш. Чунончи, биз доимо мактаб ва боғчалардаги мажлисларда асосан оналар қатнашаётганини кўрамиз. Уй-рўзғор ишларини бажариш, таълим-тарбия ҳам оналаримизнинг зиммасида. Бироқ оилада бола тарбиясига оталарнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиши лозимлиги шубҳасиз. Ушбу конференцияни ўтказишдан мақсад ҳам шу. Оила мустаҳкамлиги, оталарнинг ўз фарзандларига муносабати ва бўш вақтларини улар билан ўтказишлари кечамизга асос бўлди.

Конференцияни Ленин район халқ таълими бўлими методисти Л. И. Романова кириш сўзи билан очди. Кечани «Юлдузча» номли тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари ҳамда тарбиячи Т. Касаткина олиб бордилар. Сўнгра қизиқарли мусобақалар бошланди. Боғча болаларининг магнитофон лентасига ёзиб олинган ўз оталари ҳақида айтган илиқ сўзлари тингланди. Жумладан, «Биз отамиз билан», «Онамиз уйда йўқ бўлганда» каби мусобақаларда болалар ўз оталари билан салат тайёрлаш, чучвара тугиш, байрам дастурхонини безаш каби ишларни тез ва соз бажариб яхши баҳо олдилар.

Кечада болалар ўзлари тайёрлаб келган қўшиқ ва рақсларни ҳам ижро этдилар. Айниқса, Жавоҳир Рафиқова ижросидаги арабча рақс йиғилганларга манзур бўлди.

Конференцияда шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Акромова, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳининг мактабгача тарбия бўлимининг мудири В. Ласкарева ҳамда район халқ таълими бўлимидан инспектор ва методистлар қатнашдилар. Йиғилганлар болани мактабга тайёрлаш, унинг одоби, тарбияси ҳақида фикр алмашдилар.

Кеча охирида мусобақа ғолиблари ва меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди. Бундай тадбирларни келгусида бошқа район боғчаларида ҳам ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

Дилором ИКРОМОВА.

Минг бир касб

ЁШЛИКДАГИ ҲАВАС

«Катта бўлсам албатта одамлар қалбига зиё олиб кираман...» — жажжи Назиранинг мурғак қалбидаги ана шу орзу, эзгу ният жўш урди. Ўрта мактабни тугаллагач, тўғри Тошкент офсет фабрикасига ишга кирди. Кейинчалик кўнглида яна бир орзу туғён урди: китоб ва ойномалар, рўзномалар дengизида сузгиси келди. Ана шу орзу уни матбуот тарқатувчилар идорасига етаклади. Уни бу ерда турли юмушларда синаб кўришгач, Н. А. Семашко номидаги шифохона қошидаги рўзномалар дўкончасида ишлашни таклиф этишди. Мана шунга ҳам чорак аср бўлибди.

Маълумки, бу шифохонага жумҳуриятнинг турли вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларидан беморлар келишади. Шу боисдан уларнинг талаби, қизиқишларини албатта инобатга олиш кераклигини дилига жо этган Назира аввало ҳар бир беморга ширин муомала қилишга интилди. Унинг бундай ширинсўзлиги Назирага обрў келтирди. Эндиликда Назира Абдураҳмон қизи ҳақида сўрагудек бўлсангиз, у ҳақда фақат илиқ ва самимий гапларни айтишади.

Ҳалол меҳнат қилган одам асло кам бўлмас экан. Бунинг оддий зиёкор Назира Абдураҳмон қизи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Унинг сидқидилдан қилган меҳнати муносиб тақдирланди. Кўксини Меҳнат Шуҳрати, Меҳнат қизил Байроқ орденлари безаб турибди, қўша-қўша фахрий ёрлиқлар, раҳматномалар ҳам унинг фидойилигига берилган баҳодир.

Дарҳақиқат, ўзингнинг, ўз меҳнатингнинг одамларга керак эканини ҳис этишдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда!

Собит ТОИРОВ,

Семашко номидаги шифохона даволанувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

⊙ СУРАТДА зиё тарқатувчи Назира Абдураҳмон қизи.

Тўлқин Каримов сурати.

ЧЕТ ЭЛ САФАРИДАН

Навоий номли Ўзбекистон ССР Катта театрининг балет труппаси Гонконг ва Таиланд сафаридан қайтиб келди. Бу труппанинг тижорат асосида хорижга қилган иккинчи сафари бўлди — театр жамғармасига янги валюта маблағлари тушди. Маҳаллий матбуот санъаткорларимизнинг маҳоратига юқори баҳо берди. Бинобарин, гастроллар бошланиши олдидан кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй берди.

— Таиландлик корчалон Ж. Уберой балетимизнинг чиқишларини уюштирди, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси Бернора Қориева. — Бу киши биз гастролда бўлган ҳамма ишларга, шу жумладан рекламага ҳам жавоб берарди. Шундай қилиб, СССР Катта театрининг тижорат ҳуқуқларини хорижий мамлакатларда ҳимоя қилувчи англиялик Питер Брайтмон эгалик қилаётган «Энтертейнмент корпорейшен» фирмаси реклама афишаларида СССР Катта театри маркасидан фойдаланганлик учун бизга даъво қилди. Лекин бизни у ерда «Тошкентдан келган Катта театр балети (СССР)» сифатида таништирган эди. Бироқ бу тушунтиришни фирма эътиборга олишни ҳам ҳоҳламади. Иш судга берилди. Гастроллар бошланишига икки кун қолганида томошаларимизга билет сотиш таъқиқлаб қўйилди.

Жаноб Ж. Уберой можародан қутилишда бизга ёрдам берди. Балетнинг ҳақиқий муҳлиси бўлган бу киши баҳсли вазиятни бартараф этишга доир барча ташвишларни ўз зиммасига олди. Томошаларни барбод қилмаслик учун у гаров сифатида ярим миллион Америка доллари тўлади. Гастроллар бошланиб кетди.

Гонконг матбуотида кўтарилган шов-шув томошабинларнинг келишига таъсир қилмай қолмасди. Труппамиз Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» балетини кўрсатган биринчи куни зал томошабинларга тўлмаган эди. Лекин, кейинчалик томошабинлар бизнинг чиқишларимизга оқиб кела бошлади. Балет гарчи жуда қиммат — 90 доллар турса ҳам «Тошкентдан келган балетни» кўришни хоҳлаган кишилар ниҳоятда кўп эди.

Балет труппамизнинг таркиби аралаш эди, — дея суҳбатга қўшилди театр бош балетмейстери, Ўзбекистон халқ артисти И. Юсупов. — Тошкент труппасида доимий рақсга тушадиган бизнинг 42 нафар артистимиз ва Москвадан беш нафар артист бор эди. Биз Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган балет фестивалида ўзини яхши кўрсатган санъаткорларни таклиф этгандик. Ўтган йили Таиландга қилган сафаримизда репертуаримиз асосан бир пардали балетлардан ташкил топганди. Бу гал биз у ерга иккита тўлақонли саҳна асаримизни — Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» ва «Оққуш кўли» балетларини ҳамда энг яхши спектакларимиздан олинган парчалар асосида тузилган концерт программасини олиб бордик.

Бизни яхши кутиб олишди. Ҳатто гастроль бошланишида унинг номи билан боғлиқ англашилмовчилик ҳам гастролларга танқидчиларнинг баҳо беришида ижобий аҳамиятга эга бўлди. «Тошкент бизга катта театр олиб келганлигини исботлайди», деб ёзишди рўзномалар. Артистларнинг чиқишлари ўтган йилдаги сингари фонограмма билан эмас, балки яхши тайёрланган, юксак маҳоратли оркестр жўрлигида ўтди, деб ёзди матбуот. Исмоил Жалилов раҳбарлигидаги «Ўзбекистон юлдузлари» ансамблининг яккахонлари ижрочилик маҳоратлари қай даражада юқори эканлигини намойиш қилдилар. Таиланд томошининг илтимосига мувофиқ қўшимча спектакль кўрсатилди. У Таиланд маликаси Сирендон туғилган кунда намойиш этилди. Малика томошага келди ва труппага бир сават гул совға қилди.

Б. Р. Қориева билан И. Юсуповни Гонконг балет академияси ва санъат мажмуида бир нечта дарс беришга таклиф қилишди. Ўз балети бўлмаган, лекин жаҳон миқёсида ном қозонган санъаткорлари бўлган труппаларнинг гастроллари туфайли уни қадрлайдиган Таиландда санъат соҳасида Тошкент билан алоқа ўрнатиш лозим, деган фикр айтилди.

Ж. Уберой Тошкент балетини хорижий саҳнага иккинчи марта таклиф этди, у бундан кейин ҳам томошабинларни Ўзбекистон артистлари билан таништириш ниятидадир. Театр билан имзоланган шартномага мувофиқ Ҳиндистон, Япония, Корея жумҳуриятига ҳам шундай сафарлар уюштирилди.

Бироқ бу ишларни амалга оширишда санъаткорлар олдида валюта муаммоси кўндаланг бўлмоқда. Ишлаб топилган валюта маблағларининг ҳаммасини ҳам театр олмайди. Уларнинг кўп қисми турли солиқлар ва ажратмаларга кетади. Бу гал Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мутасаддилик қилишга розилик бергани, фуқаро авиациясининг Ўзбекистон бўлими эса имтиёзли асосда санъаткорларни ташишга кўнгани яхши иш бўлди. Бунинг натижасида театр маблағлари тежаб қолинди. Келажакда ҳам бундай ҳомийлар топилармикан? Ҳар бир тийин қисобга олинадиган ҳозирги оғир давримизда санъаткорларга мутасаддилар жуда-жуда керак, деб якунлайди ўз хабарини Ўзбекистон ахборот агентлигининг мухбири

Эльвира ТУХВАТУЛЛИНА.

Билиб қўйган яхши

КЎЗ ОҒРИҒИ ҲАҚИДА

⊙ Кўз яллиғланишида умумий даво — кескин ҳаракатлар қилмаслик, оқмисга ва нурга қарамаслик, меъдани овқат билан тўлдирмаслик, уни ўта бўш ҳам қўймаслик, сувни кўп ичмаслик, қичқирмаслик, энгашмаслик керак. Чунки буларнинг ҳаммаси касалликка сабаб бўлган моддани кўз томонга тортади.

⊙ Агар аёл сути кўзга томизилса, кўз оғриғини йўқотади. Бу кўп марта тажриба қилинган.

⊙ Ҳаддан ортиқча ўқиш кўзга зарар қилади. Кўз эса мия билан боғланган. Кўз орқали мия таъсирланади.

⊙ Алоэдан истеъмол қилиб юрилса, кўз нурини кўпайтиради. Сут кўзга суртилса, кўриш қувватини оширади.

⊙ Бир сутка мобайнида кишидан бир куб сантиметр кўз ёши ажралиб чиқади.

Наргиза ОЛЛОНАЗАРОВА тайёрлаган.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖИДДИЙ ВА ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

БУНДАН БУЁН ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТИШ МУАММОСИ БЎЛМАЙДИ:

Тошкентда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА «ТОШКЕНТ» УНИВЕРСАЛ ТОВАР БИРЖАСИ

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Унинг таъсисчилари: Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети, Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат вазирлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати вазирлиги, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети ҳузуридаги енгил саноат ҳом ашёси ва маҳсулотлари билан таъминлаш ва сотиш Бош бошқармаси.

Совет ва чет эл корхоналари ва фирмалари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, кооператорлар ва тадбиркорлар Биржа қатнашчилари бўлиши мумкин.

Пай бадали — энг камида 200 минг сўм.

БИРЖА бозор шароитида ишончли ва тадбиркор хизмат шериги бўлишни хоҳловчи корхоналар ва ташкилотлар учун — САВДО-СОТИҚДА ИШТИРОК ЭТИШГА ОИД ТАЛАБНОМАЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШГА ҚИРИШДИ!

1991 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИ БОШЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ДАСТЛАБКИ САВДО-СОТИҚ ТАДБИРЛАРИДА СОТИШ ВА АЙИРБОШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

— пахта толаси, тўқимачилик чиқиндилари (линт), пилла;
— мева-сабзавот ва консерва маҳсулотлари;
— фирма (маркали) конъяклар ва мусалласлар;
— халқ истеъмол моллари;
— ЭҲМ ва Рўзғор электрон аппаратураси;
— ёнилғи-мойлаш материаллари;
— ишлаб чиқариш-техника мақсадларида ишлатиладиган маҳсулотларнинг кенг кўлами;
— қурилиш материаллари ва металл буюмлар;
— гранит, мармар ва мармар ушоғи, бошқа маҳаллий қурилиш материаллари;
— машинасозлик ускуналари;
— пайвандлаш ва қувват транспортлари;
— электр двигателлар ва кабель маҳсулоти;
— экскаваторлар, тракторлар ва бошқа механизмлар;
— контейнерлар, тара ва тара ускуналари;
— дала-ҳовли ва боғ-ҳовли уйчалар ва кўплаб бошқа хилдаги моллар.

Бизнес соҳасида ўз имкониятларини синаб кўриш ва ўзининг ҳусусий ишини очиш истагида юрган тадбиркор кишилар учун.

БИРЖА МУСТАҚИЛ БРОКЕРЛАРНИНГ ТАНЛОВЛИ САРАЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ!

Мулоқот телефонлари: 45-71-41, 45-76-78, 35-77-70, 45-76-35, 35-11-41.

700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ — ШАРҚ ТИЖОРАТИ ИЛҒОР АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМЧИСИДИР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА «ТОШКЕНТ» УНИВЕРСАЛ ТОВАР БИРЖАСИ.

БЎЛАЖАК АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР 2-ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1991 ЙИЛ 28 МАЙ ВА 18 ИЮНЬ КУНЛАРИ

СОАТ 14 ДАН 17 ГАЧА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Бу ерда Сиз билим юрти хоналари ва ижодхоналарининг иши, бўлажак ихтисосликларингиз —, ҳамширалик (тиббиёт ҳамшираси), фельдшерлик (даволаш иши) касблари билан танишасиз.

Очиқ эшиклар кунига тўла ўрта маълумотга эга бўлган 10—11 синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек мактабни илгари тамомлаган ва тиббиёт билим юртига кириб ўқиш хоҳишини билдирган йигит-қизлар таклиф қилинади.

Манзилгоҳимиз, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов райони, Озод кўчаси, Культиватор тор кўчаси, 16-уй (11, 31, 28, 64-автобуслар, 4, 8, 20-троллейбуслар, 7, 15, 16-трамвайларнинг «Марказ — 26» мавзеси» бекати).

Телефон 44-32-25.

Тошкент шаҳар 2-тиббиёт билим юрти.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

КИНО

27 МАЙ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи — «ЖЕЙМС БОНД». «007-АГЕНТ» (17.00, 20.00).

Чайка — «ЖАЛЛОД» (17.00, 20.00).

Тошсоветнинг 50 йиллиги номли — «СИНДБОДНИНГ ЕТТИНЧИ САЁҲАТИ», «СИНДБОД ВА ИЎЛБАРС КЎЗИ» (АҚШ) (18.00,2100).

Восток — «ОЛТИН СОЧЛИ ҚИЗ ВА ОЛТИН ҚАЛЪА» (АҚШ, тоқ соатларда).

Фестиваль — «ОЛТИН СОЧЛИ ҚИЗ ВА ОЛТИН ҚАЛЪА» (АҚШ, 20.20).

Москва — «ОЛТИН СОЧЛИ ҚИЗ ВА ОЛТИН ҚАЛЪА» (АҚШ, 17.00, 19.00, 20.40).

28 МАЙ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи — «ЖЕЙМС БОНД». «007-АГЕНТ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Чайка — «ЖАЛЛОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Тошсоветнинг 50 йиллиги номли — «СИНДБОДНИНГ ЕТТИНЧИ САЁҲАТИ», «СИНДБОД ВА ИЎЛБАРС КЎЗИ» (АҚШ, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

Восток — «ОЛТИН СОЧЛИ ҚИЗ ВА ОЛТИН ҚАЛЪА» (АҚШ, тоқ соатларда).

Фестиваль — «ОЛТИН СОЧЛИ ҚИЗ ВА ОЛТИН ҚАЛЪА» (АҚШ, 20.20).

Москва — «ОЛТИН СОЧЛИ ҚИЗ ВА ОЛТИН ҚАЛЪА» (АҚШ, 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.40).

«ГРАНИТ» Ўрта Осиё монтаж-технология бошқармаси нақд пулга боғ участкалари, шахсий томорқаларни ўраб олиш учун металдан ясалган

НАҚШИНКОР ПАНЖАРАЛАРНИ

СОТАДИ.

Панжараларнинг каттолиги 1,8х1,2 м.

77-13-58, 77-55-39 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

« МЕҲРИБОНЛИК» ЖАМИЯТИГА

уйга иш олиб ишлайдиган **ногирон чевар**

КЕРАК

Маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳри, Невская кўчаси 11-уй, 3-бинога мурожаат қилинсин: Телефон 67-35-80.

УЙ ЭГАЛАРИ — ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят техникавий рўйхатга олиш бюроси ва унинг вилоят районлари ва шаҳарларидаги тузилмалари аҳолига фуқароларнинг турар жойлари билан боғлиқ масалалар доирасида ҳамда дала ховлиларни, гаражларни ва ҳоказоларни рўйхатдан ўтказиш ва баҳолаш юзасидан

СЕРВИС ХИЗМАТИ ҲАМДА ҚУШИМЧА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЎРСАТАДИ.

Маълумотлар олиш Тошкент шаҳридаги телефони: 35-62-33.

«ТАШАВТОМАТИКА» ЗАВОДИ

ВДУ-506 қўшимчаси бўлган ПДГ 516 М янги пайвандлаш аппаратини нуқтали пайвандлаш машинасига

АЛМАШТИРАДИ

Завод манзили: 700007, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 131-уй.

Телефонлар: 67-27-12, 68-29-42.

СССР Алоқа вазирлиги ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Олий билимгоҳга кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

1 ОЙЛИК КУНДУЗГИ КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 17 июнда бошланади ва ўзбек, рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш учун 65 сўм ҳақ тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй, 226-хона.

Тошкент шаҳар Мақсуд Шайхзода номли 167-ўрта мактаб томонидан **Жўраева Доно** номига берилган 021718 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 128-ўрта мактаб томонидан **Абдураҳмонова Зулфия Валиевна** номига берилган 852110 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА 29, 30 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

«САМАРҚАНД ЮЛДУЗЛАРИ ШУЪЛАСИ»

САФИЯ САФТАРОВА ИЖРОСИДА

ЎЗБЕК, ТОЖИК, ЭРОН, АФҒОН, ОЗАРБАЙЖОН ҚУШИҚЛАРИ.

«НАВБАҲОР» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ, ҲАМДА АЖОЙИБ РАҚС ВА СЎЗ УСТАЛАРИ СИЗГА ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ БАХШ ЭТАДИЛАР.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Чипталар сарой кассаларида соат 10.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР «БИЛИМ» жамияти

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ ТЕХНИКА ТАРҒИБОТ УЙИДА

СССР Экстрасенслар ассоциациясининг аъзоси

ЕҚУБ ҚОРИ ҚИЗИ САОДАТХОН ИНОҒОМОВА

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

У ўзининг ноёб истеъдоди билан ғойибдан кўриб башорат этиш ва биоқувват орқали таъсир ўтказиш талантига эга.

Беморларни нафақат ўзаро мулоқотда, балки узоқ масофадан ва суратига қараб ёки кўнглидан ўтказиб ҳам даволаш ҳамда бедарак йўқолганларни суратига қараб башорат этиш хислатига эгадир. Бундай тадбирлар кўп маротаба тажрибада синаб кўрилган ва тасдиқланган (юзлаб бемор кишилар шифо топишмоқда).

Сеанслар шанба, якшанба, душанба, сешанба кунлари соат 14.00 дан 19.00 гача ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.

Маърузачилар уйи.

Маълумотлар олиш учун телефон 44-57-44.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Блюхер кўчаси бўйлаб иссиқлик қувури ётқизилиши муносабати билан

1 ИЮНДАН 31 АВГУСТГАЧА

БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ТЎХТАТИЛАДИ

КЎЧАНИНГ БЕРКЛИГИ ДАВРИДА АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАРАКАТИ ҚУЙИДАГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

43, 56, 93-автобуслар ҳаракати Уста Ширин кўчасидан бошлаб ҳар иккала томонга Қорасарой, Ҳасан, Шамсуддинова кўчалари бўйлаб ташкил этилади ва у ёғига ўз йўналишида давом этади;

42-автобус ҳаракати Қорасарой кўчасидан бошлаб ҳар иккала томонга Ҳасан, Шамсуддинова кўчалари бўйлаб ташкил этилади ва у ёғига ўз йўналишида давом этади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-82-89, 90-25-65.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги

ГЛИЭР НОМЛИ РЕСПУБЛИКА ЎРТА МАХСУС МУСИҚА БАЙНАЛМИЛАЛ МАКТАБИ

1991—1992 ўқув йили учун

қуйидаги муҳтасассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1-СИНФГА ёши 7 га тўлган болалар фортепиано, скрипка, виолончель ва флейта қисмига.

5-СИНФГА ўзбек халқ чолғу асбоблари, хор дирижёрлиги ва хор артистлари синфи.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: 15 июнда Тошкент шаҳри болалари учун, 22 июнда вилоят болалари учун.

Маслаҳат жорийсаси 21 июнгача мунтазам фаолият кўрсатади. Вилоят болалари турар жой ва иссиқ овқат билан таъминланади.

Савол ва мулоҳазалар учун телефонлар: 46-03-24, 46-99-77, 46-99-79.

Манзилгоҳимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Сайдова кўчаси, 4-уй (45, 12-маршрутли таксилар, 8, 20-троллейбусларнинг, 10, 28, 34, 76, 87-автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати).

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991 йилдан бошлаб

ЗАРГАРЛИК мутахассислиги бўйича

ПУЛЛИК 4 ОЙЛИК БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИДА ВА ҚАРДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАРДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти ЗАРГАРЛИК мутахассислари етишмайдиган корхоналардан ва якка шахслардан заргарлик мутахассисларини тайёрлаб бериш учун ҳисоб бўлимига 900 сўмдан 1037 сўмгача пул тўлашлари лозим.

Ўқишнинг бошланиши бўлимларнинг йиғилишига қараб белгиланади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, паспорт, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка.

Ўқишга қабул қилинган ўқувчилар заргарлик касбини эгаллаганларидан сўнг заргарлик касби мутахассиси деган гувоҳнома билан таъминланадилар.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, 26-билим юрти («Пахтакор» метро станциясидан 100, 166, «Комсомол» метро станциясидан 59, 76-автобусларнинг «Қўштут» бекатигача борилади). Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38.

Визнинг ҳисоб рақамимиз: 00014123, С. Раҳимов ПСБ. код. 734116

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

85.207 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма 5209. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.
Босмага бериш вақти 11.30. Босмага берилди 11.05.